



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI

МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT MEDICAL ACADEMY

«KLINIK FARMAKOLOGIYA: ZAMONAVIY
FARMAKOTERAPIYA MUAMMOLARI» XALQARO ILMIY-
AMALIY ANJUMANI
TEZISLAR TO'PLAMI

СБОРНИК ТЕЗИСОВ
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ «КЛИНИЧЕСКАЯ ФАРМАКОЛОГИЯ:
ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОЙ ФАРМАКОТЕРАПИИ»

COLLECTION OF ABSTRACTS
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL
CONFERENCE

« CLINICAL PHARMACOLOGY: PROBLEMS OF MODERN
PHARMACOTHERAPY»

Toshkent 2023 yil 27 aprel

KLINIK FARMAKOLOGIYA: ZAMONAVIY FARMAKOTERAPIYA MUAMMOLARI: Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani tezislar to'plami (Toshkent, 2023 yil 27 фзкуд) / Bosh muharrir Shadmanov A.K. - Toshkent: TTA, 2023.

Toshkent tibbiyot akademiyasida bo'lib o'tgan «Klinik farmakologiya: zamonaviy farmakoterapiya muammolari» xalqaro ilmiy -amaliy anjumanida taqdim etilgan tezislar ushbu to'plamdan o'rin olgan.

To'planning asosiy qismi farmakoterapiyaning dolzarb muammolarini aks ettiradi: ichki a'zolar kasalliklarini davolash va oldini olishning samarali usullarini ishlab chiqish va tadbir etishga bag'ishlangan.

Taqdim etilgan ilmiy natijalar terapiya yo'nalishining barcha mutaxassislari uchun ilmiy va amaliy ahamiyatga ega. Tezislarning mazmuni, ulardagi xatoliklar va statistik ma'lumotlarning haqqoniyligi uchun mas'uliyat mualliflar zimmasidadir.

Bosh muharrir

Shadmanov Alisher Kayumovich
tibbiyot fanlari doktori, professor

Bosh muharrir o'rinbosari

Yakubov Abdusalol Vaxabovich
tibbiyot fanlari doktori, professor

Muharrirlar jamoasi

Zufarov Pulat Saatovich
tibbiyot fanlari doktori, professor

Akbarova Dilfuza Suratovna
tibbiyot fanlari nomzodi, dotsent

Pulatova Durdona Baxadirovna
tibbiyot fanlari nomzodi, dotsent

Pulatova Nargiza Ixсанovna
tibbiyot fanlari doktori, dotsent

Saidova Shaxnoza Aripovna
tibbiyot fanlari nomzodi, katta o'qituvchi

Musayeva Lola Jurayevna
tibbiyot fanlari nomzodi, katta o'qituvchi

Abdusamatova Dilorom Ziyaviddinovna
tibbiyot fanlari nomzodi, katta o'qituvchi

выступали боли в животе 22(59,4%), снижение аппетита 14(37,8%). Жидкий стул со стекловидной слизью фиксировали у 18 детей (48,6%). 4 детей (5,5%) имели выраженное отставание в весе, у остальных был умеренный дефицит веса. Морфологическая картина тонкой кишки характеризовалась воспалением слизистой оболочки и подслизистого слоя.

Выводы: Таким образом, СЭИБП развивается у детей раннего возраста, характеризуется хронической диареей и рвотой в каждом третьем случае. У каждого второго ребенка СЭИБП осложнялся тяжелой нутритивной недостаточностью.

АНКИЗЛОВЧИ СПОНДИЛОАРТРИТГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШДА ЖИСМОНИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ТАДБИРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ахмедов Х.С., Рахимов С.С., Тураев И.А.

Тошкент Гиббиёт Академияси, Ўзбекистон

Бўғим синдроми билан кечувчи ревматологик касалликлардан бири бўлган анкизовчи спондилоартрит (АС) функционал муҳим бўғимларнинг зарарланиши билан кечади, бу эса айниқса, ўрта ва ундан кичик ёшдаги беморлар орасида ногиронликка сабаб бўлиб, ижтимоий долзарб муоммони юзага келтиради. Маълумки, АС бўғим синдроми келиб чиқиши тоғай ҳамда суяк тўқимасининг ривожланиб боровчи деструкцияси билан кечувчи умурқа поғонаси бўғимларнинг зарарланиши билан боғлиқ бўлади. Лекин, шу билан бирга турғун деформация шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган пай ва мушакларнинг зарарланиши ҳам кузатилади. Бинобарин, бундай зарарланиш бўғимда ҳаракат чекланишидан тортиб, то анкилозгача олиб келиши натижасида беморларнинг ҳаёт сифати сезиларли даражада пасаяди. Шунинг учун, умуртқа тузилмаси ва бўғимларнинг функционал бузилишларини фаол профилактикасини олиб бориш АСли беморларни даволашнинг муҳим жиҳатларидан бири саналади.

Тадқиқот мақсади: соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида реабилитацион чора тадбирлар асосида АС чалинган беморларда ҳаёт сифатини ўзгаришини баҳолаш.

Тадқиқот усуллари ва материаллар. Тадқиқотга 60 та АСга чалинган бемор жалб қилиниб, асосий гуруҳни 40 та, назорат гуруҳни эса 20 нафар бемор ташкил қилди. Оилавий поликлиника шароитида асосий гуруҳга анъанавий медикаментоз даво фониди бўғимларнинг ҳаракат функциясини тиклашга қаратилган жисмоний реабилитация тадбирлар ўтказилди. Эрта ҳамда узлуксиз даволовчи жисмоний тарбияни ўз ичига олган реабилитация тактикани қўлланилиши 1 йил давомида беморлардаги кузатув асосида ҳаёт сифатини (ХС) SFB36 сўровномасидан фойдаланган ҳолда, анкеталаш натижалари ўрганилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокама

Ҳаёт сифатини анкеталаш натижаларини ўрганилганда гуруҳлар орасида жисмоний функция (PF) бўйича тафовутлар мавжудлиги аниқланди, яъни асосий гуруҳда кўрсаткичларнинг анча юқорилиги кузатилди ($P<0,001$). Ўз ўрнида PFнинг яхшиланиши хисобига, асосий гуруҳда бажара олиш функцияси (RP) кўрсаткичларининг ортганлиги аниқланди ($P<0,001$). Шунингдек, ушбу гуруҳнинг ўзида оғрикнинг интенсивлигини кундалик фаолиятга таъсир этиш кўрсаткичи ($P<0,05$) бўйича ижобий динамика қайд этилди (BP). Шу билан бир қаторда, саломатликнинг умумий ҳолати кўрсаткичи бўйича тафовут аниқланмади (GH), яъни иккала гуруҳдаги беморларнинг айни пайтдаги ҳолатларини баҳолаш натижаларида кўрсаткичларни салмоқли равишда ортганлиги, лекин асосий гуруҳда ($P<0,001$) назорат гуруҳига ($P<0,02$) нисбатан 12,6% ўсишнинг мавжудлиги кузатилди. Яшовчанлик кўрсаткичининг тахлилига кўра, (VT – ўзини бақувват ёки аксинча ҳолсиз хис қилиш) назорат гуруҳидаги кўрсаткичлар динамикасида деярли ўзгариш бўлмади, асосий гуруҳда эса кўрсаткичларнинг сезиларли равишда ортганлиги кузатилди ($P<0,001$). Дарҳақиқат, амбулатор шароитда даволанган АСли беморларда ижтимоий функция кўрсаткичи (SF) анчайин ошди ($P<0,001$). Асосий гуруҳдаги SF эса назорат гуруҳига нисбатан 28,1% юқорилиги қайд этилди. Ўз ўрнида рухий ҳолат кўрсаткичлари (RE), яъни рухий ҳолат беморларнинг меҳнат ёки бошқа кундалик фаолиятни бажаришга

халақит беради, гурухлар орасида фарқ кузатилмади, мадомики, иккала ҳолатда ҳам юқори кўрсаткичлар аниқланса ҳам, асосий гуруҳдаги ўсиш кўрсаткичи 4,9%ни ташкил қилди. Шунингдек, асосий гуруҳдаги беморларда рухий саломатлик кўрсаткичи (МН) салмоқли тарзда 48,6% га ошди.

Хулоса. Эрта ҳамда узлуксиз даволовчи жисмоний тарбияни ўз ичига олган реабилитация тактикани АСда қўлланилиши умуртқа поғонаси бўғимларнинг функционал фаоллигини сақланиши хисобига уларнинг хаёт сифати кўрсаткичларининг ижобий динамикаси кузатилади.

РШТЎИМ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИДА ЖИГАР ВА ЎТ ЙЎЛЛАРИ ТИЗИМИ ҲАСТАЛИКЛАРИ БИЛАН ДАВОЛАНГАН БЕМОРЛАР КАСАЛЛИК ТАРИХЛАРИНИНГ КЛИНИК-ФАРМАКОЛОГИК ТАҲЛИЛИ **Бекчанова Ю.Х., Исмоилов С.Р.**

ТГА Урганч филиали, фармакология ва клиник фармакология кафедраси

Ишнинг мақсади. Маълумки, гепатобиллиар тизим ҳасталиклари кенг тарқалган ва кўп учрайдиган касалликлар қаторига киради. Шунинг учун мазкур ишда Хоразм вилояти аҳолисининг РШТЎИМ Хоразм филиалида даволанганлари орасида фармакоэпидемиологик усуллар билан жигар ва ўт йуллари тизими касалликларнинг тарқалганлик даражаси ҳамда даволашда қўлланилган гепатопротекторларнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги ўрганилди.

Материал ва услублар: РШТЎИМ Хоразм филиалида жигар ва ўт йуллари тизими касалликлари билан 2006-2010 йиллар мобайнида даволанган 83 нафар беморнинг касаллик тарихларидан анкета усулида маълумотлар олиниб, ретроспектив тарзда ўрганилди. Олинган маълумотлар Стъудент усуллари бўйича статистик жиҳатдан ҳисоблаб чиқилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили: РШТЎИМ Хоразм филиалида даволанган 83 нафар беморнинг 51 нафарини аёллар (61 фоиз) ва 32 нафарини эркаклар (39 фоиз) ташкил этди. 83 нафар беморнинг 54 нафарини (65 фоиз) жигар циррози билан касалланганлар, 27 нафарини (33 фоиз) сурункали актив гепатит билан касалланганлар ва 2 нафари (2 фоиз) сурункали холецистит билан касалланганлар ҳосил қилганлиги маълум бўлди. Шулардан аёллар ўртасида жигар циррози 31 нафари (61 фоиз), сурункали гепатит 19 нафари (37 фоиз), сурункали холецистит 1 нафарни (2 фоиз) ташкил этган бўлса, эркаклар орасида эса жигар циррози 23 нафари (72 фоиз), сурункали гепатит 8 нафари (25 фоиз) ва сурункали холецистит 1 нафарни (3 фоиз) ҳосил қилганлиги аниқланди. Мазкур касалликларни даволаш мақсадида қўлланилган гепатопротекторларни беморларга тавсия этилганлик ҳолати, уларнинг самарадорлиги ҳамда хавфсизлиги таҳлил қилинганда эса қуйидаги натижалар олинди: 83 нафар беморнинг 72 фоизида (60 нафари) гепатопротекторлардан битта ёки иккита препарат тавсия қилинган бўзлиб, уларнинг 28 фоизида (23 нафари) протоколларга мос ҳолда кўрсатилган гепатопротекторлардан учта ва ундан ортиқ препаратлар бирданига қўлланилган. Гепатопротекторларни комбинирланган ҳолатда қўлланилганда препаратларнинг самарадорлиги юқори бўлган, битта ёки иккита препарат қўлланилган ҳолатларда эса яхши натижалар кузатилган эмас.

Олинган маълумотлар асосида айтиш мумкинки, РШТЎИМ Хоразм филиалида даволанган беморлар орасида жигар ва ўт йуллари тизими касалликлари учраши бўйича аёлларда эркакларга нисбатан 1,5 марта юқори экан. Аммо, ушбу касалликлардан жигар циррози эркакларда ҳам, аёлларда ҳам кўпроқ кузатилганлиги аниқланди. Мазкур касалликларни даволашда қўлланилган протоколларда кўрсатилган гепатопротекторлар комбинирланган ҳолатда ишлатилганда юқори самарадорликка эга эканликлари маълум бўлди.